



## ДАВЛАТ-ХУСУСИЙ ШЕРИКЛИК ЛОЙИҲАЛАРИНИ АМАЛГА ОШИРИШ ЖАРАЁНЛАРИНИ РАҚАМЛАШТИРИШ ВА БОШҚАРУВ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ

Байкалонов Жалил Ғайбуллоевич

Банк-молия академияси докторантура (PhD),

мустақил изланувчиси

E-mail: [jalil198817@gmail.com](mailto:jalil198817@gmail.com) +998 99 372 89 10

ORCID: 0009-0001-8334-740X

Набижонов Насимбек Набижон ўғли

E-mail: [Nasimbek.Nabijonov@imv.uz](mailto:Nasimbek.Nabijonov@imv.uz)

Тел + 998977282200

<https://doi.org/10.5281/zenodo.19272862>

### ARTICLE INFO

Received: 1<sup>st</sup> March 2026

Accepted: 5<sup>th</sup> March 2026

Published: 27<sup>th</sup> March 2026

#### KEYWORDS

Давлат-хусусий шериклик, шериклик, рақамлаштириш, рақамли платформалар, инвестицион жозибадорлик, лойиҳа бошқаруви, ДХШ платформа, рақамли трансформация, давлат бошқаруви самарадорлиги.

### ABSTRACT

Мазкур тезисда давлат-хусусий шериклик (ДХШ) лойиҳаларини амалга ошириш жараёнларини рақамлаштириш орқали бошқарув самарадорлигини оширишнинг назарий ва амалий жиҳатлари таҳлил қилинган. Тадқиқотда ДХШ лойиҳаларини тайёрлаш, баҳолаш, тендер жараёнларини ташкил этиш ҳамда амалга ошириш босқичларида рақамли платформалардан фойдаланиш имкониятлари кўриб чиқилган. Шунингдек, халқаро амалиётда қўлланилаётган рақамли платформаларнинг тажрибаси таҳлил қилиниб, уларнинг афзалликлари ва самарадорлиги баҳолаш ёритилган.

### Кириш

Жаҳон иқтисодийётида инфратузилма лойиҳаларини молиялаштириш ва амалга оширишда ДХШ механизмлари муҳим аҳамият касб этмоқда. Сўнгги йилларда кўплаб мамлакатларда транспорт, энергетика, сув хўжалиги ва ижтимоий инфратузилма соҳаларида ДХШ асосида йирик инвестиция лойиҳалари амалга оширилмоқда. Глобал иқтисодий шароитда давлат ресурсларининг чекланганлиги инфратузилма ривожланишини таъминлашда хусусий сектор иштирокини кенгайтиришни талаб қилмоқда. Шу нуқтаи назардан ДХШ механизмлари давлат ва хусусий сектор ўртасидаги самарали ҳамкорлик модели сифатида муҳим аҳамиятга эга.

Бироқ амалиётда ДХШ лойиҳаларини тайёрлаш, баҳолаш ва амалга ошириш жараёнлари кўп босқичли ва мураккаб бўлиб, бу жараёнларда маълумотлар шаффофлиги, қарор қабул қилиш тезлиги ва иштирокчилар ўртасидаги ахборот алмашинуви етарли даражада самарали ташкил этилмаган ҳолатлар кузатилади. Шу боис, ДХШ лойиҳаларини бошқариш жараёнларини рақамлаштириш, яъни махсус рақамли платформаларни жорий этиш орқали лойиҳаларни бошқариш самарадорлигини ошириш долзарб вазифалардан бири ҳисобланади.

Замонавий иқтисодиётда рақамли технологиялар давлат бошқаруви тизимида ҳам кенг қўлланилмоқда. Хусусан, ДХШ соҳасида рақамли платформаларни жорий этиш лойиҳаларни бошқариш жараёнларини тизимлаштириш, шаффофликни таъминлаш ва инвесторлар учун қулай муҳит яратишга хизмат қилади.

Халқаро амалиётда ДХШ лойиҳаларини бошқариш учун бир қатор рақамли платформалар ишлаб чиқилган. Масалан, Россияда «Росинфра» платфoрмаси ДХШ лойиҳаларини тайёрлаш, баҳолаш ва инвесторларга тақдим этиш жараёнларини рақамлаштиришга хизмат қилади. Ушбу платформа орқали давлат органлари ва инвесторлар ўртасида ахборот алмашинуви соддалаштирилади, лойиҳа ҳужжатларини электрон шаклда тайёрлаш имконияти яратилади.

Шунингдек, Буюк Британия, Австралия ва Канада каби давлатларда ҳам ДХШ лойиҳалари учун махсус рақамли порталлар ва инвестиция платформалари жорий этилган. Ушбу платформалар орқали потенциал инвесторлар лойиҳалар ҳақида тўлиқ маълумот олиш, тендер жараёнларида иштирок этиш ва инвестиция қарорларини қабул қилиш имкониятига эга бўлади.

Давлат	Платформа номи
Россия	Росинфра платфoрмаси ( <a href="https://rosinfra.ru">https://rosinfra.ru</a> )
Буюк Британия	UK nrastructure Pipeline ( <a href="pipeline.nista.grid.civilservice.gov.uk/">pipeline.nista.grid.civilservice.gov.uk/</a> )
Австралия	Infrastructure Australia Platform ( <a href="http://www.infrastructureaustralia.gov.au">www.infrastructureaustralia.gov.au</a> )
Канада	Invest in Canada platform ( <a href="https://www.investcanada.ca/">https://www.investcanada.ca/</a> )

Рақамли платформалар ДХШ лойиҳаларининг куйидаги босқичларида муҳим аҳамият касб этади:

**биринчидан**, лойиҳалар портфелини шакллантириш жараёнида рақамли платформалар орқали лойиҳаларни тизимли равишда рўйхатга олиш ва уларнинг иқтисодий самарадорлигини баҳолаш имконияти яратилади;

**иккинчидан**, Давлат органлари учун лойиҳа ҳужжатларини (контсепция, молиявий модель, битим лойиҳаси) тайёрлашда ёрдам берувчи автоматлаштирилган воситаларни таклиф қилади. Шу билан бирга тендер жараёнларини рақамлаштириш орқали шаффофлик таъминланади ва коррупция хавфлари камаёди;

**учинчидан**, лойиҳаларни мониторинг қилиш ва баҳолаш жараёнларида рақамли платформалар орқали реал вақт режимида маълумотлар олиш имконияти пайдо бўлади.

Рақамли платформалардан фойдаланиш ДХШ лойиҳаларининг инвестицион жозибадорлигини оширишга ҳам хизмат қилади. Чунки инвесторлар учун лойиҳалар ҳақидаги маълумотларнинг очиқлиги ва аниқлиги инвестиция қарорларини қабул қилишда муҳим омил ҳисобланади. Шу билан бирга, рақамли платформаларни жорий этиш давлат бошқаруви тизимидаги бюрократик жараёнларни қисқартириш, қарор қабул қилиш тезлигини ошириш ва лойиҳаларни амалга ошириш муддатларини қисқартириш имконини беради.

Ўзбекистонда сўнги йилларда давлат бошқарувини рақамлаштириш соҳасида кенг қўланилиши ва тизимли ислохотлар амалга оширилмоқда. Бу ислохотлар доирасида ДХШ лойиҳаларини бошқариш жараёнларини рақамлаштириш ва инвесторлар учун қулай муҳит яратишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Шу мақсадда 2025 йилнинг 18–19

ноябрь кунлари Тошкент шаҳрида “Давлат-хусусий шериклик орқали хусусий капитални мобилизация қилиш” мавзусида III Давлат-хусусий шериклик давра суҳбати бўлиб ўтди. Мазкур тадбирда ДХШ лойиҳаларини самарали ва шаффоф бошқариш учун ягона электрон платформа – “**ppp.inv.uz**” ишга туширилгани эълон қилинди. ДХШ лойиҳаларини бошқариш учун бундай ягона рақамли платформинг ишга туширилиши мамлакатдаги инвестиция муҳитини яхшилаш, халқаро стандартларга мувофиқ лойиҳаларни амалга ошириш ва хусусий секторнинг иштирокини кенгайтиришда муҳим қадам ҳисобланади. Шу билан бирга, платформа рақамли трансформацияни кенгайтириш ва ДХШ механизмларини янада самарали амалга ошириш имконини беради.

### **Хулоса ва таклифлар**

Тадқиқот натижалари шуни кўрсатадики, давлат-хусусий шериклик лойиҳаларини амалга ошириш жараёнларини рақамлаштириш лойиҳаларни бошқариш самарадорлигини оширишда муҳим аҳамиятга эга. Рақамли платформалар лойиҳаларни тайёрлаш, баҳолаш ва амалга ошириш жараёнларини тизимлаштириш ҳамда ахборот шаффофлигини таъминлаш имконини беради.

Тадқиқот асосида қуйидаги илмий-амалий таклифлар ишлаб чиқилди:

- ДХШ лойиҳалари учун ягона миллий рақамли платформани ишлаб чиқиш ва жорий этиш;
  - лойиҳалар портфелини шакллантириш ва инвестиция лойиҳаларини танлаш жараёнларини тўлиқ рақамлаштириш;
  - тендер жараёнларини электрон платформа орқали амалга ошириш орқали шаффофликни ошириш;
  - инвесторлар учун махсус рақамли “ДХШ маркетплейс” платформасини яратиш;
  - лойиҳаларни мониторинг қилиш ва баҳолаш тизимини рақамли технологиялар асосида такомиллаштириш.
- Ушбу таклифларни амалиётга жорий этиш ДХШ лойиҳаларини бошқариш самарадорлигини ошириш, инвестиция муҳитини яхшилаш ҳамда инфратузилма лойиҳаларини амалга оширишда хусусий сектор иштирокини кенгайтиришга хизмат қилади.

### **Фойдаланилган адабиётлар:**

1. Developing Public-Private Partnership Projects in Digital Transformation <https://www.adb.org/sites/default/files/project-documents/56242/56242-001-tar-en.pdf>
2. **U.Tanveer.** Public-private partnerships as catalysts for digital transformation and circular economy: Insights from developing countries
3. The International Bank for Reconstruction and Development/The World Bank. Public-Private Partnerships In E-Government: Knowledge Map 2009 йил.
4. World Bank. Public-Private Partnership Reference Guide.
5. OECD. Principles for Public Governance of Public-Private Partnerships.
6. O‘zbekiston Respublikasining “Davlat-xususiy sheriklik to‘g‘risida”gi Qonuni.
7. Asian Development Bank. PPP Operational Framework.
8. Rosinfra platformasi ma’lumotlari. World Bank PPP Knowledge Lab